

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 9-noyabr, shanba № 86 (15724)

Navqiron avlod so'zi

Фуруримиз ва бойлигимиз

Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби улуг аждодларимиз бир неча тилни билган, ҳатто чет тилларида асарлар ҳам ёзишган экан.

Масалан, Навоий бобомиз араб, форс ва бошқа хорижий тилларни она тилидек мукамал билганлари маълум. Бироқ у киши она тилимизни беҳад севиб-ардоқлаганлар, ҳеч қачон ўзга тилларни она тилидан устун қўймаганлар. Буни у зотнинг «Муҳокаматул-луғатайн»дек махсус асар ёзганидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Чет тилини ўрганишга асдойдил киришарканман, хаёлим ўша мутафаккир боболаримизда бўлди. Чет тилларни ўрганишга чоғланган қизларига қараб улар: «Ўрганавер, қизим, хорижий тилларни билганинг ўзинга ҳам, юртга ҳам фойда. Турли халқларнинг маданиятини ўрганасан, адабиётдан хабардор бўласан. Лекин унутмаки, она тилинг — бу сенинг жонинг, бойлигинг, фуруринг! Ҳеч қачон ўша бойлигинг ва фурурингдан айрилма. Уни ҳамиша кўз қорачиғингдек сев ва ардоқла. Қадрига ет!» дегандек бўлишди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар сингари туризм ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг гўзал, бетакрор ва қадимий шаҳарларини кўриш учун дунёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳлар сони кун сайин ошмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бир неча хорижий тилни, шунингдек, ўз тарихини чуқур биладиган ёш кадрларни талаб этади. Қолаверса, иқтисодий юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий интеграциясида ҳам чет тилларни пухта билувчи мутахассисларга эҳтиёж бор. Умуман, чет тилини билишнинг фойдали томонлари жуда кўп ва бугун юртимизда мен каби хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар учун яратилаётган имкониятлар замирида ҳам ана шунда маъно-мазмун мужассамдир.

Янгийўл тиббиёт коллежида ўқийман. Ўзим севган соҳамга оид фанлардан ташқари, инглиз тилидан ҳам яхши ўқишга ҳаракат қиламан. Коллежимизда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Хусусан, Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши коллежимизда ҳам хорижий тилни ўқитиш янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Янгийўл тиббиёт коллежи турли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, коллежимизнинг малакали ўқитувчилари Японияда малака ошириб қайтдилар ва тўплаган тажрибаларини коллежда татбиқ этмоқдалар.

Мухтасар айтганда, биз, ёш авлод қайси соҳани танламайлик, қайси йўлдан юрмайлик, ҳар томонлама етук, баркамол ва дунё халқлари билан бемалол мулоқот қила оладиган салоҳияти юқори кадрлар бўлиб етишимиз лозим. Бунинг учун бизда барча имконият бор. Илм олиш, касб-ҳунар эгаллашни чин дилдан истасак бўлди. Давлатимизни ўзи бизга шароитларни яратиб берган. Мен ҳам эл-юрт корига ярайдиган, ҳамиша Ватан манфаатини биринчи ўринга қўйиб меҳнат қиладиган мутахассис бўлишни мақсад қилганман.

Нилуфар МИРСОДИКОВА,
Янгийўл тиббиёт коллежи ўқувчиси



5-бетга қаранг

Сардор Муллажонов фотокolleжи

Дилдора халқаро фестивалъ совриндори

Яқинда Озарбайжон Республикасининг пойтахти Боку шаҳрида ўтказилган анъанавий V халқаро «Муғом» (Мақом) фестивалида Андижон вилоятининг Жалакудук туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг анъанавий хонандалик йўналиши ўқувчиси Дилдора Абдусатторова учинчи ўринни қўлга киритди.

Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун кенг имкони-

ятлар яратилмоқда. Бунинг самарасида ёшларимиз халқаро миқёсдаги турли танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, Ўзбекистонимиз шаънини улуғламоқда. Эндигина ўн уч ёшни қаршила-

ган андижонлик Дилдора Абдусатторова ана шундай ёшлардан.

Жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатидан элликдан ортиқ ёш иқтидор соҳиблари иштирок этган фестивалда Дилдора ижро этган «Излай-

ман» ҳамда «Мустаҳзод» ўзбек миллий мақом кўшиқлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Фестивалда голиблар қаторидан жой олганимдан хурсандман, — дейди у. — Халқаро фестивалда Ўзбекистон номини улуғлаш мен учун улкан бахт. Биз, ёшларнинг санъат билан шуғулланишимиз, ўз иқтидоримизни намоён этиш учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга миннатдорлик билдираман.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус юридик коллежида «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда бугунги кунда интернет орқали кириб келётган бузғунчи ғоялар ва уларнинг инсон онгига таъсири ҳақида сўз борди. Шунингдек, ижтимоий сайтлардаги турли ёзишмалар таҳлил қилинди. Тадбир якунида эса йиғилганларга Ҳаракат фаоллари томонидан суратга олинган «Глобал қишлоқдаги одамлар» хужжатли фильми намойиш этилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят «Ёшлар маркази»да «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар белгиланган шартлар бўйича ўзаро беллашди. Якуний натижаларга кўра, Қарши шаҳридан «Камолот» фаоли Мадина Шарипова ғолиб деб топилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Вилоятда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгашлари қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда ЁИХМ мутахассислари касб маҳоратлари бўйича суҳбат, иншо ва тест воситасида синовдан ўтишди. Сўнг уларнинг тажрибаларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этилди. Семинар якунида ҳар бир ЁИХМ ходими марказларидаги энг намунали тўғаракларнинг тақдимотини ўтказишди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сариосиё тиббиёт коллежида «Эрта турмушнинг олдини олишда бошланғич ташкилотларнинг устувор вазифалари» мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Ҳаракатнинг вилоят ва туман кенгаши бўлим мудирилари, туман ФХДЁ мутахассислари ҳамда тумандаги бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Семинарнинг бош мақсади эрта турмушнинг олдини олишга қаратилди. Бунда етакчиларнинг ўрни ва вазифалари муҳим эканлиги қайд этилиб, уларга ўқувчи-қизлар билан ишлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Оила муҳофазаси — доимий эътиборда

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Оила — ривожланиш ва тараққиёт омили» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Республика «Оила», Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, педагоглар, психологлар иштирок этди.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари Х.Мамадалиева, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофазалаш, баркамол авлоднинг вояга етказиш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳи-

да эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳаёт бошлаган ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратишга оид ишлар кўламини янада кенгайтириш.

Оилалар фаровонлигини таъминлаш, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатишга оид эътибор ва ғамхўрлик натижасида, кейинги икки йил мобайнида мамлакатимизда оилавий ажримлар сони сезиларли даражада камайгани қайд этилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон жаҳондаги оилавий ажримлар энг кам давлат сифатида халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Республика «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда оилага оид

долзарб маънавий-ахлоқий, психологик масалаларни илмий жиҳатдан мукамал ўрганиш, таҳлил этиш, уларга ижобий ечим топишга оид самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳамкорликда олиб борилаётган илмий, социологик тадқиқотлар, ижтимоий сўровлар, соғломлаштириш акциялари, олимлар, экспертлар, психолог ва ҳуқуқшунослар иштирокида ташкил этилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари барча ҳамюртларимиз, шу жумладан, ёшларнинг оила, жамият ва Ватан олдидаги масъулиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳамкорликда яратилаётган илмий-маърифий рисоалар, қўлланмалар, монографиялар таълим масканларидаги «Соғлом авлод асослари» дарслари, «Ота-оналар университетини», «Ёш оила қурувчилар мактаби», «Орасида қизлар» тўғараги каби жамоат тузилмалари машғулотларини самарали ўтказишга хизмат қилаётди. Айни пайтда юртимиздаги барча маҳаллаларда саломатлик, бандлик, таълим,

оилавий муносабатларга оид шўъбалар фаолият кўрсатаётгани ҳаётда учрайдиган айрим масалаларни ҳамжиҳатликда, жамоатчилик иштирокида ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Билим масканимизда салкам уч минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади, — дейди Тошкент шаҳридаги 1-педагогика коллежининг хотин-қизлар кўмитаси раиси Нодира Азимова. — «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини, Чилонзор туман ФХДЁ бўлими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқтартибот идоралари билан ҳамкорлик узвий йўлга қўйилгани қизларимизни оилага тайёрлаш, кийиниш маданиятини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда оила-никоҳ муносабатларининг мустаҳкамлигини таъминлашда ёшлар билан бирга ота-оналарнинг масъулиятини кучайтириш, бунда маҳалла, хотин-қизлар кўмитасининг ҳамкорлигини янада кенгайтиришга оид амалий тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

Hududiy kengashlarda

«20+» тарғибот акцияси давом этади

Жорий йилнинг октябрь ойида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳасини эълон қилган эди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу лойиҳа республика миқёсидаги барча таълим муассасалари ва жамоат жойларида ўтказилмоқда.

Ёш авлод соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мустаҳкамлашга ҳамда «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишга қаратилган ушбу лойиҳа Қашқадарё воҳасида ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ҳамда уюшмаган ёшлар орасида «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсири ва қабул қилинган қонуннинг 13-, 14- ва 15-моддалари тўғрисида инфорацион мини-сессиялар ташкил этиляпти. Шунингдек, Ёшлар ташкилоти соғлиқни сақлаш бошқармаси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси, вило-



Тенгдошларимиз акцияда фаол иштирок этмоқда

ят наркология диспансери ҳамкорлигида тамаки маҳсулотларини реализация қилувчи савдо мажмуалари, дўконлар ва бозорларда, транспорт воситаларида фаоллар гуруҳи томонидан мазкур қонуннинг мазмунини тўғрисидаги инфорацион стикерлар жойлаштирилиб, тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тарғибот акцияларидан бири Қарши шаҳридаги 26-мактабда ўтказилди. «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида ташкил этилган инфорацион мини-сессияда йигирма нафар фаол ўқувчи ёш мураббийлар томонидан ўқитилди. Уларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишининг моддий ва маънавий зарарлари, келтириб чиқарадиган турли хил касалликлар тўғрисида тушунчалар берилди. Мини-сессия давомида иштирокчилар ўртасида интерфаол ўйинлар, тестлар, ақлий ҳужум машқлари бажарилди.

Сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёш тарғиботчилари Қарши шаҳрининг кўчалари бўйлаб ҳаракатланувчи транспорт воситаларида, алкоголь ва тамаки билан савдо қилувчи дўконларда, савдо шохобчаларида «20+» тарғибот акциясини давом эттириб, махсус инфорацион стикерларни жойлаштиришди.

— Ўтказиётган мини-сессиялар орқали нафақат ёшларга маълумотлар беришни, балки улар орасидан кўнгилли ёшларни танлаб олиб, ёшлар орасида «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида тарғибот ишларини олиб боришни мақсад қилганмиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик ва турли йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш» лойиҳаси координатори Гуласал Ҳотамова. — Шу тариха ҳар бир таълим муассасаси ёшларини қамраб олишга эришамиз. Мутахассисларнинг фикрича, кашанда бир кунда ўртача йигирма донна сигарет чекканда, ҳар битта сигаретага уч дақиқа вақтни сарфлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда бир суткада бир соат, бир йилда эса 365 соат вақтини йўқотади, яъни йилига 10-15 кунини чекишга сарфлайди. Биз мини-сессияларда ана шундай фактлардан фойдаланган ҳолда интерфаол усуллардан фойдаланиб келяпмиз.

Бундай тарғибот тадбирлари вилоятнинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

**Баҳодир ЮСУПОВ,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё
вилояти кенгашининг матбуот
хизмати етакчи мутахассиси**

«Чевар қўллар»нинг чаққон ёшлари

«Тақ, тақ, тақ» овози келди. — Бу тақиллаётган нима бўлди, оға? — дедим. — Нариги хонада кимдир девор тешаяптими? Қувват оға самимий жилмайди. — Қўяверинг, ўрганиб кетганмиз, — деди. — У ерда тикувчилар машина ҳайдаяпти. — Тикувчилик цехи денг? — дедим қизиқиб. — Ҳа, йўғ-е. Ўзимизнинг «Чевар қўллар» тўғарагимизда, агар «тарақ-туруқ»қа асабингиз чидаса, юринг, кўрса-таман.

Бордик. Хона шинам, ёруғина экан. Деворлари ҳам бошқача, кашталар билан безатилган. Қизлар машинада нималарнидир тикишаётган экан.

— Бунча шовқин кўтарасизлар-а? — деди Қувват оға. Шунда қизларга йўл-йўриқ кўрсатаётган Гулпарчин опа ҳазил қилди. — Бештасининг овозига сабрингиз етмайди-ю, яна иккита тикув



машинасини келтираман дейсиз-а? Кулги кўтарилди. Сўнгра Гулпарчин Хўжамуродова тўғарак ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, ҳозир «Чевар қўллар»да ўттиз етти нафар ўқувчи хунар ўрганапти. Шогирди, тумандаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Зерхан Керимбетова эса тикув цехи очиш арафасида эмиш.

— Дарсларни, асосан, амалий ўтамыз. Турли кийим-кечак, пардалар тикамиз, — дейди тумандаги 7-мактаб ўқувчиси Раёно Байрамова. — Ҳозир замонавий қорақалпоқча миллий кўк

қўйлакни яратаяпмиз. Мана, тайёр бўлишига озгина қолган қўйлакни кўрдим. Шунингдек, шу моҳир қўллар билан санъат асарига айланаётган бир-биридан чиройли, бежирим қўйлак, кофта, юбкаларни томоша қилдим. Замонавий усулдаги элита пардаларига ҳайрат билан тикилиб қолдим. Ва амин бўлдимки, «Чевар қўллар»да, чиндан ҳам, чеварлар кўп экан.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тахтақўпир тумани кенгаши раиси Қувват Элмуродов тўғарақдан кўнгли тўлгандек анча хотиржам, энди «шақ-шуқ, шақ-

Shunday markaz bor

шуқ» товушлари эшитилаётган хонага мени бошлади.

— Энди буниси нима? — дедим ҳайратланганча.

— Ошхона, — деди у жилмайиб.

Ўқувчилар шиқиллатиб компьютерда нималарнидир ёзаяпти. Тўғарак раҳбари Мамбет Қалимбетов эса операцион тизимларни тушунтириб бўлган экан.

— Компьютерда ишлаш яхшимикин? — дедим чеккадаги ёқимтой боладан. У бошини қимирлатиб тасдиқлади: «Жудаям». Мамбет оға бўлса унга кўшимча қилди. — Бу йигит Авазбек Элманов бўлади. Тумандаги 2-мактабнинг бешинчи синфида ўқийди. Икки ойдан буён тўғарагимизга фаол қатнашади...

Ҳа, бу ерда Авазбекка ўхшаган фаоллар қирқдан ошар экан. Ҳозир улар устозидан компьютер сабогини олаётган экан. Тўғриси, тўғаракда биз ҳам бошқаларга қўшилиб Мамбет оғадан маълумотлар омбори билан ишлашни ўргандик. Алламаҳалда кайфият чоғ дарсдан чиқдик. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги Ҳаракат бошланғич ташкилоти қошида ташкил этилган ушбу «Ёшлар ижтимоий хизматлар» маркази ҳақида ҳам анча-мунча маълумотга эга бўлдик.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида «Биз чемпион бўламиз!» шиори остида мини футбол мусобақаси ўтказилди.

«Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши ташкил этган ушбу мусобақада талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Тошкент молия институтига қарашли талабалар тураржойларида истиқомат қилувчи талаба-ёшлардан ташкил топган жамоалар ўзаро беллашди.

Қизгин ўтган мусобақа якунида Тошкент давлат техника университети талабалар тураржойларида истиқомат қилувчи талаба-ёшлар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент давлат юридик университети талабалари иккинчи ўринни, Тошкент тиббиёт академияси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Вилоят «Ёшлар маркази»даги «Тасвирий ва амалий санъат» тўғараги «Ҳаёт санъати» деб номланган болалар ижодий кўрғазмасини намойиш этди.

Кўрғазмага юздан ортиқ тўғарак аъзосининг ижод намуналари тақдим этилди. Ёш ижодкорлардан Севара Салимованинг «Афанди ва шоҳ», Назокат Эрмаматованинг «Куй», Нилуфар Дўстмуродованинг «Сайрга чиққан ҳайвонча» каби ижод намуналари мутахассис ва томошабинларда қизиқиш уйғотди. Кўрғазмада ота-оналар ҳам қатнашиб, тўғарак фаолияти билан яқиндан танишдилар.

СИРДАРЕ ВИЛОЯТИ

Бахт шаҳар махсус ўғил болалар коллежида «Оилада фарзанднинг роли қандай?» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Ҳаракатнинг Сайхунобод туман кенгаши ва Сайхунобод қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қўмаклашиш, уларнинг турли хил иллатларга қўшилиб қолмасликларининг олдини олиш борасида ўқувчиларга тушунчалар берилиб, бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар кўриб чиқилди. Бу жараёнда ота-оналар масъулиятини ҳам ошириш кераклиги таъкидланди.

Tashabbus

Қашқадарё вилоятидаги 27628 та корхонада бу йил 77239 та янги иш ўрни яратилди. Ишга жойлашганларнинг 48870 нафари ёшлардир.

Доимий хабардор бўлиб боришади

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши белгилаб берган вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоят «Ёшлар маркази»да «Бўш иш ўринлари бурчаги» ташкил этилди. Ёшларга қулайлик яратиш учун Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида махсус ишчи гуруҳи фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Ишчи гуруҳ мурожаат этаётган ёшларни нафақат бўш иш ўринлари билан таништириш, балки улар танлаган корхона ва ташкилотларга биргаликда бориб иш билан таъминлашга ёрдамлашади.

Мазкур бурчақдаги бўш иш ўринлари ҳар ойнанинг бошида янгилаб борилади.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

Taraqqiyot

Эътибор марказида — махсус таълим

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Тадбир ихтисослаштирилган таълим муассасалари педагогларига таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш бўйича методик ёрдам кўрсатиш ҳамда соҳага оид англиклардан хабардор этиш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда махсус таълимга доир миллий қонунчилигимиз ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларида кўрсатилган талаблар ва уларнинг ижроси, махсус таълим муассасаларида меҳнат таълими ва муҳофазасини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, раҳбар ходимларга махсус таълим муассасаларида узлуксиз психологик хизматнинг ўзига хос хусусиятлари, оптималлаштирилган ўқув дастурлари асосида ўқув фанлар бўйича дарсларни самарали олиб бориш,

таълим муассасаларида болаларнинг сифатли овқатланишини ташкил этишга доир маълумот берилди.

Эслатиб ўтиш керак, ҳозир мамлакатимизда 88 та махсус мактаб ва мактаб-интернат фаолият кўрсатаяпти. Уларда 17 минг 971 нафар бола таълим олмақда. Жисмоний ривожланишида нуқсон бўлган яна тўққиз минг нафардан ортиқ болалар уй шароитида таълим олиш имкониятига эга.

Сўнгги йилларда Халқ таълими вазирлиги томонидан инклюзив таълимни жорий этиш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Хусусан, айна пайтда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда тизимда «Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим» лойиҳаси амалга ошириляпти. Лойиҳа доирасида Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жами 18 та таълим муассасаси — олти имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб ва ўн иккита умумтаълим мактаби танлаб олинди, уларда имконияти чекланган болаларга сифатли таълим бериш, ўзлаштириш ва билим салоҳиятини ошириш, бунинг учун зарур бўлган ўқув адабиётлари ва жиҳозлари билан таъминлашга эришилган.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Шу куннинг талаби

Huquqiy eksperiment

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ҳуқуқий эксперимент сифатида Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятларида ўтказилаётгани мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий эксперимент доирасида Бухоро вилоятида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳудудда 89 та маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳуқуқий экспериментнинг субъекти сифатида танлаб олинди. Айти пайтда уларда электрон ҳукуматни ташкил этиш ҳар бир субъект фаолиятига доир янгиликларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиш, бу борада таҳририятлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича ижобий натижаларга эришилапти. Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўз веб-сайтларини янгилаш-

га алоҳида эътибор қаратилаётгани ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳасининг самарали эканидан далолат беради.

Бугунги кунда вилоятдаги қатор ташкилот ва идораларнинг ахборот хизматлари томонидан фуқаролар муражатлари ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини расмий веб-сайт орқали қабул қилиш ва жавоб бериш, муҳим учрашув ва йиғилишлар ҳақидаги маълумотларни веб-сайтга тўғридан-тўғри жойлаштириш тажрибаси қўлланилмоқда. Охириги тўрт ой мобайнида келиб тушган сўровлар таҳлил қилинганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 10196 та, шу

жумладан, фуқаролик жамияти институтларидан 415 та, фуқаролар томонидан 5831 та, юридик шахслар томонидан 2272 та ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан 1670 та сўров тушгани аниқланди. Сўровларни рад этиш ёки бошқа тегишли органларга қайта юбориш жараёни етти кундан кечиктирилмай амалга оширилаётгани ҳам эътиборли жиҳатдир. Бу борада Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Ўзбекистон туризм» миллий компанияси вилоят минтақавий бўлими, «Ўзбекинвест» суғурта компаниясининг вилоят бўлими, вилоят статистика бошқармаси, «Қишлоқ қурилиш банк» ҳамда «Агробанк»нинг вилоят бўлимлари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, шунингдек, Ромитан, Пешку туманлари, Когон шаҳар ҳокимликлари, Ғиждувон, Шофиркон туманларидаги давлат ҳокимияти

ва бошқаруви органлари фаолиятини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу ташкилот ва муассасалар ахборот хизматлари оммавий ахборот воситалари билан мунтазам ҳамкорлик олиб бориши натижасида ҳуқуқий эксперимент доирасида семинар ва давра суҳбатлари, матбуот анжумани, брифинг ва учрашувлар ўтказилиб, ОАВда ёритиб борилмоқда.

Бироқ ҳуқуқий эксперимент давомида эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Шулар сирасига аксарият давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизмати вакилларининг ўзлари қонун лойиҳаси талабларини тушуниб етмаётгани, айрим идора ва муассасаларда ахборот хизматлари таркибининг тез-тез алмашиб туриши, баъзи субъектларнинг веб-сайтлари ҳамон йўқлиги ёки сустирилмаётгани ва талабга

жавоб бермаслиги, қонун лойиҳаси доирасида талаб этилаётган меъёрий ҳужжатларни тақдим этиш масаласига етарлича эътибор қаратилмаётганини тилга олиш мумкин. Хусусан, Бухоро шаҳар, Когон, Қорақўл ва Бухоро туман ҳокимликлари, вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳуқуқий экспериментга масъулиятсизлик билан ёндашган.

Сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга, аҳоли фаровонлиги ва юрт равнақиға хизмат қиладиган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти шафқофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий эксперимент ўтказишда ўзининг салбий таъсирини кўрсатадиган мавжуд камчиликларни бартараф этиш шу куннинг талабидир.

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



«Янги авлод» истеъдодлари

Фарзандингиз эндигина тили чиқиб боғча опаси ўргатган шеърларни бурро-бурро айтиб беришга ҳаракат қилса ёқ қоғоз узра рангли қаламлар билан ниманингдир тасвирини чиқишга интилса, астойдил қувонасиз. Айниқса, мактабга чиққанда, унинг интилишларида қандай қобилият мужассам эканлигини пайқайсиз ҳам. Бу ҳақда ўқитувчиси сизга айтса, болани ўз йўлидан олиштирмай тарбия қилиш кераклигини англаб қоласиз.

Болакай ёки қизалоқ келажакда жамиятга, элга фойдаси тегадиган етук шахс бўлиб шаклланиши мумкин. Унинг истеъдодини намоён этиши учун турли имкониятлар мавжудки, бундан фойдаланиш керак, албатта.

Болалар учун турли кўрик-танлов, мусобақалар ўтказиб турилади. Бу танловлар ичида «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивали ўзининг кенг қамровлилиги, ҳаққонийлиги ва шунинг баробарида ўзига яраша нуфузи билан ажралиб туради. Бу фикримизни ҳар бир ота-она, ҳар бир иштирокчи самимий тасдиқлайди.

«Янги авлод — 2013» республика болалар ижодиёти фестивалининг Жиззах вилоят босқичи бўлиб ўтаётган дамларда хаёлдан ана шундай фикрлар кечди. Қизалоғи саҳнага чиқиб рақс тушганда уни тўлқинланиб томоша қилаётган оталар ё оналарнинг ҳаяжонини

ни тасвирлаб бериш қийин.

Ё бўлмаса, боласининг шеър айтишига қулоқ тутиб турганларнинг ҳис-ҳаяжонини дарров сезгандай бўласиз. Кулолчилик маҳсулотларини, айтилик, дўмбира ушлаб ўтирган чол қиёфасини ё танасидан куч ва шижоат ёғилиб турган шер танасини моҳирлик ва эпчиллик билан ясаётган боланинг ёнида турган устозининг ҳам айти пайтдаги ҳолати ота-онаникидан кам эмас. Саҳнада қўлига соз олиб, сеҳрли бармоқларида симларни чертганда, катта даврага сурурли ва фараҳбахш наво улашаётганидан ўзини нақадар бахтиёр сезаётган болага ҳавасингиз келмай илож йўқ.

Фестивални вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шахло Аҳророва очиб берар экан, залдаги иштирокчиларни яна ажиб бир ҳис чулғаб олди. Чунки истеъдодларни саралаш онлари яқинлашаётган эди...

Йўналишлар бўйича танлов Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма театри, вилоят маънавият ва тарғибот маркази ҳамда Жиззах шаҳар 1-болалар мусика

ва санъат мактабида ўтказилди. Вилоят босқичида 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган, жами 503 нафар ижодкор болалар жамоалари ва алоҳида номзодлар классика, вокал, миллий чолғулар, рақс, тасвирий санъат ҳамда шеърят, жами олти йўналиш бўйича ўз иқтидорларини намоён қилдилар. Фестивалнинг вилоят босқичида олти йўналиш бўйича 14 нафар ғолиб аниқланиб, республика босқичига йўлланма олди.

Вокал (анъанавий ижро, академик ижро, эстрада) йўналишида Мурод Хайдаров, Ҳамидулло Турдикулов, миллий чолғулар (торли, чертиб чалинадиган, зарбли) йўналишида Шоҳжон Юсуфбеков, Даврон Қахрамонов, рақс (миллий, бал, спорт, замонавий балет) йўналишида Мадина Исоқова, «Шалола» гуруҳи (3 нафар қиз), тасвирий санъат (миллий ва амалий тасвирий ижод) йўналишида Баҳром Сафаров, Беҳзод Зоиржонов, Умид Мансуров, Аббос Ҳазратов, шеърят, адабиёт ва театр сценарийси йўналишида Зухра Йўлчиева, Жаҳоҳир Баҳромов, Азиза Шокирова,

Муножот Усмонова фестивалнинг республика босқичига йўлланма олди.

— Қизим Зухра Йўлчиева ушбу танловда ғолиблар сафидан ўрин олди, — дейди Зомин туманидаги 15-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Қундуз Холиқова. — Зухра ушбу танловда би-

ринчи марта катнашиши. Ғолиб бўлди, деб ўйламаган эканмиз. Туманлардан ғолиб бўлиб келган 95 нафар ёш шоирга дастлаб «Сўз» ҳақида, «Инсоф» тўғрисида тўрт сатр шеър ёзиб бериш шарт қўйилди. Мана, қизимнинг ҳам ёзганлари ҳакамларга маъқул келди, шекилли, бундан жуда қувониб турибмиз. Бу танлов ҳақида мактабимиздаги «Камолот» етакчисидан эшитгандик. Танлов мутасаддиларига, қолаверса, елиб-югуриб юрган «Камолот»чиларимизга миннатдорлик билдираман.

— Анъанавий «Янги авлод — 2013» болалар ижодиёти фестивали катта байрамга айланиб кетди. Болалар турли йўналишлар бўйича ўз қобилиятларини намоён этишди, — дейди «Камалак» болалар ташкилоти Жиззах вилоят бўлими раиси Бунёд Ғофуров. — Октябрь ойининг сўнгги ўн кунлигида фестивалнинг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди. Фестивалга вилоят бўйича жами уч мингга яқин аризалар қабул қилинди. Келажакда бу болалардан ёрқин талантлар етишиб чиқажагига ишонамиз.

Тадбирда Фориш туманидан келган 37-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муножот Усмонованинг ҳам шеърлари кўпчиликка маъқул бўлди. Унинг шеърлари туман, вилоят газеталарида, қолаверса, «Тонг юлдузи» газетасида чоп этилган. Мактабдаги устози Шўҳрат Улашев унга шеърят сирларини ўргатмоқда. Келажакда Муножотнинг етук шоира бўлиб етишишига биз ҳам тилақдош бўлиб қоламиз, албатта.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири



Ёш тadbirkорларнинг миллий маҳсулотлари

истеъмолчилар танловида

Мустақиллик тенгдоши Исломбек Кутфиддинов Наманган туманидаги «Водий ёғоч савдо» хусусий корхонаси раҳбари. У «Ташаббус — 2012» республика кўрик-танловининг «Энг яхши ёш тadbirkор» номинацияси ғолиби. Айти кунда Исломбек раҳбарлик қилаётган корхонада «VWood Textile» бренди остида эркак ва аёллар ҳамда болалар учун юздан ортиқ турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, корхона тизимида иссиқхона, чорвачилик ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Ёш тadbirkорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар, хунармандлар маҳорати, бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик борасида яратилаётган имкониятлар натижаси пойтахтимиздаги «Кўрғазма савдо маркази» мажмуасида икки кун давом этган «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» деб номланган республика кўрғазмасида акс этди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 4 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар дастури»га мувофиқ, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермерлар кенгаши, «Хунарманд» уюшмаси, Марказий банк, Давлат солиқ кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу кўрғазмада 140 нафар ёш тadbirkор, фермер ва хунарманд ўз маҳсулотларини намойиш этди. Шу билан бирга, кўрғазмада банк-молия муассасалари ва консалтинг марказлари ёшлар ўртасида тadbirkорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари ва хизматлари билан қатнашди. Жорий йилдаги кўрғазмаларда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар, жумладан, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқараётган ёш тadbirkорлар ҳам иштирок этди.

Кўрғазманинг очилиш маросимида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Б.Фаниев, Республика «Хунарманд» уюшмаси раиси М.Курбонов, Ўзбекистон фермерлар кенгаши раисининг ўринбосари Т.Бозоров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳномалигида кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик ривожини яратилган кенг шароитлар натижасида минглаб



ёшлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатётганини таъкидлашди. Шу билан бирга, улар миллий ва хорижий кўрғазма, кўрик-танловларда мунтазам ва муваффақиятли иштирок этиб, ўз меҳнатсеварлиги, ижодий салоҳияти билан жамоатчилик эътиборини қозонмоқда, тенгқурлари учун ибрат бўлаётди.

Тadbirkорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш, соҳада эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектлари ўртасида ижтимоий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган мазкур кўрғазмада нафақат тadbirkорлар, балки қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган тенгдошларимизни ҳам учратиш мумкин. Кўрғазмада банк-молия муассасалари ва консалтинг марказлари ёшлар ўртасида тadbirkорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари ва янги хизмат турлари билан қатнашишди.

— Бундай кўрғазмалар юртимиздаги ёш тadbirkор, хунарманд ва фермерларнинг тажрибаларини оширишга, ютуқларини оммалаштириш, ёшларнинг эса кичик бизнес ва хусусий тadbirkорликка қизиқишини кучайтириш, ташаббускорлик, бунёдкорлик ва ижодий фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим му-



дири Фазлиддин Баркашбоев. — «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» деб номланган мазкур республика кўрғазмасига худудлардан Ҳаракатнинг «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тadbirkор — юртга мададкор», «Ёш тadbirkор — келажакка пойдевор» танловларида қатнашиб ғолиб бўлган ўттиз икки нафар ёш тadbirkор, хунарманд ва фермер иштирок этмоқда. Кўрғазманинг худудий босқичларида етти юзга яқин ёш тadbirkорлар иштирок этди. Улар орасидан энг яхши деб топилган ўттиз беш ёшгача бўлган 140 нафар тadbirkор, хунарманд ва фермер бугунги кўрғазмада қатнашмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Менинг бизнес ғоям» танловида қирқ саккиз минг нафар битирувчи қатнашган бўлса, улардан йигирма саккиз нафари танловнинг республика босқичида ғолиб бўлди. Уларнинг 175,7 миллион сўмдан ортиқ миқдорда қайта молиялаш ставкасининг эллик фоиз миқдориди ҳамда етмиш олти нафар битирувчининг 547,5 миллион сўм миқдорда тижорат банкларида имтиёзли микрокредит олишларига кўмаклашилди. «Ёш тadbirkор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тadbirkор — келажакка пойдевор» танловлари орқали тўқсон беш нафар ёш тadbirkор 543 миллион сўм имтиёзли фоизларда микрокредит маблағлари олган бўлса, танловларнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ўттиз бир нафар ёш тadbirkорнинг уч юз миллион сўм миқдоридидаги кредит маблағлари фоиз тўловларини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тўлаб бермоқда.

Бугун жаҳон бозоридида ҳам ўзи мавқеига эга, мижозлар талабини бажариб келаятган ёш тadbirkор юртдошларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Улардан бири «Водий ёғоч савдо» хусусий корхонаси раҳбари Ис-

ломбек Кутфиддинов. Ушбу корхонада тайёрланаётган эркак ва аёллар ҳамда болалар кийим-кечаклари Россия давлатига экспорт қилинмоқда. Ўтган йили 671 минг АҚШ доллари баҳосидаги маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида корхона 319 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилди. — «Made in Uzbekistan» белгиси билан миллий брендимиз остида ўз маҳсулотларимизни экспорт қиляпмиз, — дейди Исломбек. — Албатта, хориж бозоридида, аввало, сифат даражаси эътиборга олинади. Биз ушбу талабга ҳар томонлама жавоб беришга ҳаракат қиляпмиз. Маҳсулотларимиз юртимиздаги тўқув фабрикалари томонидан ишлаб чиқарилаётган матолардан тайёрланади. Бундан ташқари, вилоятимиздаги Nestle корхонасига сут топшириб келаяпмиз. Жорий йилнинг 3-чорагида 37 миллион сўм фойда олдик. Иссиқхонамизда лимон, бодринг ва помидор етиштирилади. Жорий йилнинг март ойида тайёр трикотаж маҳсулотларга расм уриш технологиясини олиб келиб ўрнатдик. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан биз, ёш тadbirkорларга яратилаётган имконият ва шароитлар маҳсулидир.

Кўрғазма павильонидида халқ хунармандлари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин ажратилган. Ёш хунарманд усталарнинг ҳар бир маҳсулоти кўрғазмага келган томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Сурхондарё вилояти Сароисий туманидан келган ёш хунарманд Баҳриддин Пардаев ёғоч ўймакорларнинг тўртинчи авлод вакили. У аждодларимизнинг кўп асрлик анъаналарини давом эттираяпти. «Ташаббус — 2013» кўрик-танлови совриндори, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган «Ёш тadbirkор — келажакка пойдевор» танлови ғолиби. Баҳриддин Пардаевнинг айтишича, бундай кўрғазмалар ёш тadbirkор, фермер ва хунармандлар учун маҳсулотларини кенг оммага таништириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда харидор топишга кўмаклашади. Келажакда у кредит маблағига хориждан ёғочга ишлов берувчи технология олиб келиб ўрнатмоқчи. Ҳозир мўъжазгина сувенир қутчалардан тортиб, сўри, дарвоза, стол-стуллари ҳам ясаб келаяпти.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkор-

ликка яратилаётган имкониятлар натижасида импорт товарларнинг ўрнини босувчи рақобатбардош миллий маҳсулотларимиз кўпаймоқда. Кўрғазманинг бир қисмида қатор бўлиб турган пойабзалларни томоша қиламиз. Товарлар дизайн жиҳатдан ҳам, сифат борасида ҳам импорт товарлардан асло қолшмайди. Шу сабаб, ёш тadbirkор билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. У Наманган вилоятидаги «Model poyabzal savdo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдулҳамид Аҳмаджонов экан.

— Косиблик ота-боболаримиздан ўтиб келаятган касб, — дейди Абдулҳамид. — Шунинг учун ота-боболаримизнинг исмини умумлаштириб, «Amir» брендини танладим. Болалигимдан пойабзал тайёрлаш ишларини ўрганаёпман. 2011 йил «Model poyabzal savdo» корхонасини ташкил этдик. Уни ривожлантириш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Менинг бизнес ғоям» лойиҳасида қатнашиб ғолиб бўлдим. Бошида тўрт-беш хилдаги моделда пойабзал ишлаб чиқарган бўлсак, бугун уларнинг тури икки юзтага етди. Ҳозир корхонамизда олти коллеж битирувчиси доимий иш ўрнига эга.

Бозорларимизда «Amir» бренди остида сотилаётган туфли ва этикларни кўрсангиз, ажабланманг. Дизайни, сифати билан ҳам энг яхши деб топилган хориж пойабзалларидан қолшмайдиغان ушбу маҳсулотлар бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаёпти.

Жиззах туманидан келган ёш кулол Дилноза Туропова ясаган кулолчилик буюмлари ҳам кўрғазма иштирокчилари эътиборидан четда қолмади. Бухоролик уста-кулолларга шогирд бўлиб, бу санъатни ўрганган Дилноза «Ташаббус — 2013» кўрик-танловида «Энг яхши тadbirkор аёл» номинациясида ғолиб бўлган. Айти кунда у, ўттиздан ортиқ турда кулолчилик буюмларини ясамоқда.

Кўрғазма доирасида ёш тadbirkорларга, ўз бизнесини бошлаётган ва тadbirkорлик билан шуғулланишни истаётган ўқувчи ёшлар учун ўқув-семинарлар ташкил этилди. Уларга мутахассислар томонидан мамлакатимизда тadbirkорлар учун жорий этилган имтиёз ва энгилликлар, уларни қўллаб-қувватлашга доир лойиҳалар, тadbirkорлик фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш бўйича маълумот ва тавсиялар берилди. Шунингдек, бир неча йиллик тажрибали тadbirkорлар маҳорат дарсларини ташкил этиб, амалий маслаҳатлари билан ўртоқлашди. Икки кун давом этган кўрғазмада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларни тadbirkорликка кенг жалб қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалари тўғрисидаги фильмлари намойиш этиб борилди.

Кўрғазма якунида «Йилнинг энг намунали ёш тadbirkори», «Йилнинг энг намунали ёш фермери», «Йилнинг энг намунали ёш хунарманди» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Сардор Муллажонов олган суратлар



Menga so'z bering

Улуғ аждодларга муносиб авлод бўлайлик

Бугун биз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган мамлакатда яшаймиз. Мустақил Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутиб, гуллаб-яшнамоқда.

Миллий-диний қадриятларимиз халқимизни, айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларга садоқат, зўравонликка нафрат руҳида тарбияловчи, уларни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этувчи битмас-туганмас кучқудрат манбаидир. Улар нафақат мафкуравий бўшлиқнинг юзага келишига, балки минг йиллардан бери ҳалол меҳнати ва оламшумул кашфиётлари ила жаҳон тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келатган халқимизнинг мен-талитетига зид бўлган террорчилик ғояларининг кириб келишига қарши қаратилган мустаҳкам қалқондир.

Афсуски, дунёнинг айрим худудларида бош кўтараётган терроризм ва экстремизм бутун инсониятга қарши ёвузликдир. Шу боис ҳам унга жиддий муносабатда бўлиш талаб этилади. «Биз ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг кучайганлигидан ташвишдамиз» деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ўзининг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида.

Халқаро террорчилик ва диний экстремизм тушунчалари-

ни тадқиқ этиш шундан далолат берадики, бундай таҳдид бутун жамият, ҳамма мамлакатлар учун катта фалокатга сабаб бўлиши мумкин. Агар террорчилик дастлаб вужудга келган даврларда тор доирада амалга оширилган бўлса, бугунга келиб халқаро миқёсдаги муаммога айланиб бормоқда.

Терроризм том маънода жаҳолатдир. Бузгунчи ғояларга асосланган халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўриниши халқлар бошига оғир кулфатлар ёғдирмоқда. Дунёда ҳар йили унинг касофатидан юз минглаб беғуноҳ кишилар қурбон бўлмоқда, жамият ривожланиши, айрим давлатлар, минтақалар ва инсоният цивилизациясининг тараққиётига жиддий таҳдид солмоқда ва мудҳиш оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбек халқи асрлар оша бошқа дин вакиллари билан аҳил яшаб, оламшумул кашфиётлар қилиш ва умумжаҳон тамаддунига беназир ҳисса қўшиш бахтига муяссар бўлди. Бошқача айтганда, динлараро бағрикенглик, уйғунлик бунёдкорликнинг қудратли манбаи эканини амалда исботлаб келди.

Биз буюк алломаларнинг

авлодлари, издошларимиз. Ўтмишга назар ташласак, жаҳон илм-фани тараққиётида аждодларимизнинг ҳиссаси беқиёс эканини кўрамиз. Биз, ёшлар маданиятимиз, юриш-туришимиз, кийинишимиз, одоб-ахлоқимиз, юксак маънавиятимиз, керак бўлса, илмий салоҳиятимиз билан дунё ёшларига намуна бўламиз. Бунинг учун бизнинг юртимизда ҳамма шароитлар етарли. Биз, ёшлар ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини ганимат билиб, бор имкониятлардан фойдаланмоғимиз, четдан кириб келаётган ёт ғоя ва иллатларга қарши курашмоғимиз керак. Шундагина кўзлаган буюк мақсадларимизни рўёбга чиқарамиз.

Мамлакатимиздаги тинчлик, фаровон ҳаётга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Турли мафкуравий хуружлар, ёвуз ниятли кишиларнинг таъсирларига қарши ақл билан чора кўриш кераклигини яхши англашимиз зарур.

Бизнинг қонимизда Имом Бухорий, Беруний, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз қони оқмоқда.

Шундай улуғ аждодларимизга муносиб авлод бўлайлик, токи биздан кейинги авлодлар ҳам биз ҳақимизда худди шундай эҳтиром билан гапира олсинлар.

Жасур РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси тингловчиси

Ilg'or pedtexnologiyalar bilan



Ёш ўқитувчилар ўрناق бўляпти

Данғара транспорт касб-хунар коллежи тумандаги нуфузли таълим муассасаси. 650 ўринга мўлжалланган мазкур таълим масканида айни кунда 1 минг 309 нафар ўқувчи тўрт йўналишда таълим олади. Уларга ўз касбининг устаси саналган саксон нафар педагог ва муҳандис педагоглар касб ва хунар сирларини ўргатапти.

Коллежда дарсларни илғор педагогик технологиялар асосида, ўқитишнинг янги услубларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада шахс ва жамият фани ўқитувчиси Абдуҳамид Саидов, информатика фани бўйича Ботиржон Мамаризаев, миллий ғоя ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Икромжон Отақулов ҳамда инглиз тили бўйича Назокатхон Ёрматова каби ёш, интилувчан ўқитувчиларнинг изланишлари бошқаларга ўрناق бўляпти.

— Янги усуллардаги қизиқарли дарслар ўқувчиларнинг мавзуну яхши ўзлаштиришига асос бўляпти, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Илҳомжон Ёрматов. — Шу билан бирга бундай дарслар туфайли ўқувчиларнинг фанларга, ўзлари танлаган касбга бўлган қизиқишлари ҳам ортапти. Бу дарс самарадорлиги юксалганидан даракдир.

Коллеж мустаҳкам моддий техника базасига эга. Педагогик жамоа мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиб, битирувчилар ўз касбининг моҳир устаси бўлишига эришиш йўлида тинимсиз изланишда. Бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам, шижоат ҳам етарли.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

СУРАТДА: Физика фани ўқитувчиси Хуршиджон Тўхтабоев ўқувчилар билан амалий машғулот ўтказаяпти.

O'makka munosib

Ютуқлар коллекциясида янги ғалаба

(Спортчи қиз портрети)

Кўп одамларнинг қувончини кўрганмиз. Севган қизининг унга турмушга чиқишга розилигини эшитган ошиқ йигитнинг, қанча йиллар ва ойлар ўтиб, орзуси рўёбга чиққан инсоннинг, талаба бўлган абитуриентнинг — уларнинг бари ўзича бахтиёр, қувонгандаги ҳолатлари бир-бирини такрорламайди. Энг кўркам чехра — бахтиёр чехра. Лекин биласизми, ҳаётда ҳамма қувончдан қувончлироқ бахт бор. Бу ота-оналарнинг фарзанди камолини кўриш бахти. Ўғли ё қизининг заррача зафаридан кўнгли тоғдек юксалмайдиган ота-она бормикан?..

2003 йилда Хоразм вилоятининг Шовот туманида яшовчи Бектурди Раҳимов хонадонидан ҳам ана шундай қувончли воқеа юз берди. У кишининг қизи, тумандаги «Тўқманғит» маҳалласида жойлашган 19-мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Гулноза Раҳимова волейбол бўйича Хоразм вилоят терма жамоасига қақчилди.

— Қизим 1997 йилда туғилган, болалигидан ғайратли, се-

рхаракат бўлгани учун эртароқ мактабга берганмиз. Бермасак ҳам қўямасди-да, — дейди Бектурди ака. — Аввалига онаси хавотирланди. Лекин қизимизнинг мактабда жисмоний тарбиядан яхши ўқиши, спортга хаваси, ўн ёшидан волейбол билан шуғуллана бошлаганидан сўнг, унга бўлган ишончимиз мустаҳкамланди. Мактабда ташкил этилган волейбол тўғрагида қатнашиб

юриб, мурабийлар назарига тушган экан, унга Урганч олимпия захиралари коллежига ўқишга киришни маслаҳат беришди. Шундай қилиб, Гулноза ўн икки ёшида коллеж ўқувчисига айланди.

Спортчи қизнинг истеъдодини намоян этишида коллеж муҳити муҳим ўрин тутди.

— 2005 йили жамоамиз билан Наманган вилоятида ўтказилган мусобақада қатнашиб ғолиб бўлдик. Шундан сўнг мени Ўзбекистон қизлар терма жамоасига таклиф этишди, — дейди Гулноза Раҳимова. — Терма жамоамиз билан халқаро мусобақаларда қатнашиб келаяпман.

Гулноза Раҳимова 2010 йил Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда қабул қилинди.

Бугун мазкур институтда таҳсил олаётган спортчи қизнинг ютуқлар коллекциясидан республика ва қитъа миқёсида-

ги мусобақаларда қўлга киритган кўпгина совринлар ўрин олган. Уларни Гулноза Хоразм вилоят терма жамоаси, Ўзбекистон терма жамоаси, институт ва Тошкент шаҳар волейбол жамоалари таркибида қўлга киритган. Жумладан, у бу йил талабаларнинг Бухорода ўтказилган «Универсиада» спорт ўйинларида жамоаси билан бирга чемпион бўлди. Қолаверса, «Энг яхши ўйинчи» номинациясида ғолиб топилди.

Спортчиларнинг аксарияти бундан тан олади: бу соҳада «форма»ни ушлаб туриш ниҳоятда мушкул.

— Спортда ҳар куни муваффақиятга эришавермайсан, аммо ҳар дақиқа формада бўлишинг, беллашувга тайёр туришинг шарт, бундан мурабийларимиз талаб қилади, — дейди Гулноза. — Мен мурабийларимнинг сўзига ҳамиша амал қилишга интиламан.

Устозлар ўғитига амал қил-



ган одам муродига етади, дейишади. Ўз олдида катта мақсадларни қўйган Гулноза Раҳимова ҳам ана шундай ёшлардан. Унинг мақсадларига эришишига ишонамиз. Ахир, у ўз устидан ишлашдан ҳеч қачон тўхтамаслигини айтди. Бундайлар эса ҳамиша орзу-ниятларига етган.

Эрпўлат БАХТ



Ma'rifat

Таълим ва тарбия — қўшқанот

Баркамол шахсни тарбиялаш нафақат миллий, балки умумбашарий моҳиятга эга тушунча бўлиб, ўзида юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни ифода этувчи, эзгуликка йўғрилган олижаноб туйғудир. Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида «Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», деб таъкидлаган.

Таълим билан тарбия қушининг икки қанотидир. Уларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда қуйидаги тизим кўринишида ифодалаш мумкин: тарбия — меҳнат — таълим.

Таълим билан тарбияга меҳнат воситачилик қилса, инсонда бир қатор муҳим ижобий фазилатлар шаклланади. Хусусан, инсон яхши тарбия кўрса, ундан гўзал хулқли, илмли шахс етишиб чиқади. Инсонда меҳнатсеварлик даражаси юқори бўлса, у ўз олдига қўйган мақсадларига интилувчан фаол шахс бўлиб етишади.

Тарбия, таълим ва меҳнатсеварликни биргалликда ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Тарихга назар ташласак, инсоният бошига беадад кулфатларни ёғдирган кишилар илмсиз эмас, тарбияси нўноқ бўлганини кўраемиз. Зеро, тарбия кўрган инсон ҳеч қачон ёвузлик қилмайди.

Умуман олганда, таълим ва тарбия ўртасида ҳеч қачон узилиш бўлмаслиги керак. Таълим жараёнида ёшлар етарли тарбия олмоғи, тарбия эса таълим билан тўлдириб борилиши зарур.

Баркамол авлодни шакллантиришда мактабнинг алоҳида ўрни бор. Чунки бола ҳаёти давомида асқотадиган, унга жамиятда шахс сифатида шаклланиши ва юксалишига ёрдам берадиган бошланғич билимларни айнан мактабда олади. Агар бошидан болага ўқув жараёни мушкул тарзда тақдим этилса, унга таълим олиш машаққатли жараён бўлиб кўринади.

Болаларнинг кўпроқ табиий камол топишига эътибор қаратиш лозим. Уларнинг қизиқишлари, қарашлари ва майлига тўсқинлик қилмаган маъқул. Бунда асосий масъулия тарбиячининг зиммасига тушади.

Айрим ҳолларда бошланғич синфларга ҳали

тажрибаси йўқ ёки малакаси етарли бўлмаган ўқитувчилар дарсга киради. Бу мутлақо нотўғри. Аксинча болаларга илк сабоқни педагогик ва психологик малакаси юқори бўлган ўқитувчи ва тарбиячилар бермоғи керак.

Ақлий тарбия — тарбиянинг гултожи. Инсонда ақл-идрок бўлмаса, унинг одоби юзаки, сунъий бўлади.

Ахлоқий тарбия ҳам ҳар қайси замонда муҳим бўлиб келган. Ўқувчининг ахлоқий сифатларини ифодалашда унинг меҳнатсеварлиги, нечоғлик виждонли ва ҳалол эканини аниқлаш зарур. Тарбиячи одоб-ахлоқ қоидаларига асосланган ҳолда бундай сифатларга эга болаларни панд-насихат ва ибратли амаллар ёрдамида яхшиликка етаклаши лозим.

Жисмоний тарбия ҳар бир шахсининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шу орқали инсон жисмонан ривожланади, ақлан баркамол бўлади. Соғлигини муҳофаза қилади, умрини узайтиради, бардошли бўлишни ўрганади. Жисмоний тарбияси мукамал бўлган кишилар ҳар қандай ишга, хоҳ у жисмоний, хоҳ у ақлий бўлсин, қодир бўлади.

Меҳнат тарбиясини чин маънода ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш

воситаси дейиш мумкин. Кичик ёшдан меҳнатга кўникма ҳосил қилиб борган бола ҳаёт қийинчиликларини енгишни ўрганади, турли мураккаб вазиятларга кўникиб, мустақил ҳаёт кечиришга тайёр бўлади.

Эстетик тарбия усули орқали инсонда нозик ҳислар шаклланади. У нафосатга интилиб яшайди. Юксак эстетик дидли бўлиш инсоннинг ҳар томонлама камол топишига йўл очади. Бу ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатида, кийиниши, юриш-туришида, кишиларга, жамиятдаги у ёки бу воқеаларга бўлган муносабатда яққол кўзга ташланади. Юксак дидли одам ички ва ташқи гўзалликнинг бирлигини англаб этади.

Экологик тарбия ўқувчиларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлишга ўргатади. Экологик тарбия жараёнида болаларни табиат қўйнида сайр-саёҳат қилдириш, сув ва ҳайвонот дунёси билан таништириш керак.

Ижтимоий тарбияда, аввало, инсонийлик сифатларни тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

**Барчин САЛОМОВА,
Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси**

Qaldir'och

КИТОБ

*Мактабда, уйда ҳамроҳ,
Билим бергувчи китоб.
Меҳри иссиқдир чунон,
Дейман мисоли офтоб.*

*Тўғри йўлдан юраемиз,
Одобни ўрганаемиз,
Ундан она-Ватанни
Севишни ўрганаемиз.*

*Дўстим, китобни йиртманг,
Бетиға чапламанг ранг.*

*Ука-синглингизга ҳам
Кўз қорачиғидек асранг.*

ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

*Боғимизга бериб чирой
Ўсар бир туп атиргул.
Сув қуямиз галма-галдан,
Мен, ойим, синглим Ойгул.*

*Гулбарглари қатма-қат,
Ҳиди ёқимли бирам.
Меҳмон бўлиб келсангиз,
Совға қилай сизга ҳам.*

ДОНО БОБОМ

*Уйимизнинг файзисиз, деб,
Бобожоним ардоқлаймиз.
Насиҳатларини тинглаб,
Ишончларини оқлаймиз.*

*Эртақларнинг хилма-хилин,
Достоннинг янги, эскисин,
Мароқ билан сўзлар бобом,
Сўз устаси, доно бобом.*

**Маржона РУСТАМОВА,
Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 3-мактаб ўқувчиси**



Тошбақага антиқа ёрдам

Германияда ногирон тошбақага тиббий ёрдам кўрсатилди. Унинг олд оёқларидан бири ўрнига «лего» — териладиган ўйинчоқлар жамланмасидан гилдирак қўйилди.

Аниқроғи, жонивор ветеринарга олиб келинганда, унинг олд оёқчаси жароҳатланган ва уни кесиб ташламаса бўлмайдиган даражада эди. Шилди лақабли бу тошбақага оғриқ қолдирувчи дори берилиб, оёғи кесиб ташланди. Германиялик мутахассислар томонидан тайёрланган икки гилдиракли сунъий оёқ, жониворга ноқулайлик туғдирди. Сўнгра, «лего»дан чиққан бир гилдиракли оёқ Шилдига қўйилди. Ампутант-тошбақа доимий ветеринарлар назоратида бўлиб, гилдиракча ҳар йили алмаштириб турилади.

Етакчилар рўйхати

Етакчи компания ва тадбиркорларнинг рейтингини аниқлайдиган Forbes нашри энг қиммат брендни маълум қилди.

Унга кўра, «Apple» корпорацияси бренди юз миллиард доллар дея баҳоланди. Ундан сўнг 57 миллиард доллар билан «Microsoft» иккинчи ўринни банд этган бўлса, «Coca-Cola» 55 миллиард доллар билан учинчи ўридан жой олди. Кучли учликдан сўнг, «IBM» корпорацияси бренди 51 миллиард, «Google»нинг баҳоси 47 миллиард долларлиги маълум бўлди. Рўйхатни «Intel», «Samsung», «McDonalds», «General Electric», «Louis Vuitton» давом эттирди. Бу рўйхат корпорация маҳсулотларининг сифатли ва замонавийлигидан далолат беради. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили ҳам юқоридаги кучли учлик етакчи бўлган эди.

Томдан топилди

Франциядаги уйлардан бирининг томидан кийик топилди.

Ҳайвонот боғидан қочган жонивор қутилар устидан уйнинг томига чиқиб олган. Тушишга келганда эса том сирпанчиқлиги сабаб, туша олмаган. Қутқарувчилар келгунга қадар кийик кунини томда ётиб олиб ўтказди. Қутқарувчилар уни олиб тушишда ҳам бир қанча муаммоларга дуч келдилар. Сўнгра уни узун матога ўраб олиб тушдилар. Қутқариш чоғида жонивор ҳамда ҳеч ким жароҳатланмади.

Воқеа тўлиқ видеога олинган ва «Youtube» сайтида жойлаштирилган.

Спорт учун юз соат

Норвегиянинг NRK телеканали ўзининг юз соат эфир вақтини шахматга бағишлашини маълум қилди.

Сабаби, мамлакатнинг 22 ёшли гроссмейстери Магнут Карлсен шахмат бўйича амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан куч синашади. Магнут Карлсен чемпионга қарши донна сураётганда ҳатто телеканалда реклама роликлари ҳам узатилмайди.

Телеканал бундан олдин 134 соатини сузиш спортга бағишлаган эди. Канал спортга оид бўлмаса-да, кенг аҳамиятга эга бўлган мусобақаларни эътибордан четда қолдирмайди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



Терма жамоамиз — Ғолиб

Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилда Вьетнамда бўладиган Осиё чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

Терма жамоамиз саралаш ўйинларининг барчасида зафар кучди. Туркменистон миллий термасига қарши тўп сурган вакилларимиз йирик — 10:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Сўнгра спортчиларимиз Тожикистон футболчиларини 5:4 ҳисобида мағлуб этди. Саралаш босқичларидаги охириги ўйин Ўзбекистон — Қирғизистон учрашуви бўлди. Унда ҳамюртларимиз 5:1 ҳисобида ғалабага эришди.

«Севинч» — кубок эгаси

Футбол бўйича хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги учун мусобақалар ўз ниҳоясига етди.

Турнирда жами ўн бир клуб иштирок этди. Мусобақада Қаршининг «Севинч» футбол клуби қизлари «Машъал»ни 4:2 ҳисобида мағлуб этиб, ғолиб бўлди. «Қибрай» стадионида бўлиб ўтган ўйинда тўққиз карра Ўзбекистон чемпионати ғолиби навбатдаги совринни қўлга киритди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

Одам бўйи келадиган хум

Жарқўргон туманидаги «Намуна» маҳалласида яшовчи Исмоил Абдуллаевни ҳақиқий шинаванда, деса бўлади. У болалигидан тарихий буюмларни йиғишга қизиқади. Йўқ, у хазина топишга ишқибоз эмас. Шунчаки, юртнинг буюк ўтмишига муҳаббати кучли ва уни бошқаларга ҳам юқтиргиси келади.

— Айниқса, ёшларимиз ватанимиз тарихига оид буюмларни кўрганда, чексиз фахрланишларини истаيمان, — дейди ҳаваскор археолог Исмоил ака. Биз уни ҳаваскор деяпмиз. Аслида у профессионал ходим. Аниқроғи, археологияда эмас, бошқа соҳада. Бугун у ўзи хизмат қилаётган «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинида тарихий бурчак ташкил этган. Уни маҳалланинг ўзига хос музейи десак, муболага бўлар, лекин маҳалладошларнинг нияти катта. Улар уни чинакам музейга айлантиришга бел боғлашган.

— Ҳозирча экспонатларимиз саксонтага бориб қолди, — дейди Исмоил Абдуллаев. Тарихий бурчакни кўздан кечи-



рамиз. Аёллар тақинчоқлари, ҳар хил шаклдаги кўзалар. Ие, мана бу кўзанинг катталигини! Йўғ-е, кўза ҳам шундай улкан бўладими? Хум-ку, бу.

— Бу хум оддий хум эмас, — худди қадрдон нарсасини бировларга кўрсатаётгандек хумни сийпа-лаб давом этади Исмоил ака. — Буни, биласизми, қадимда нимага ишлатишган? Унда сув ёки ғалла сақланган. Бугун бундай хумлар деярли йўқ. Ваҳоланки, у жуда фойдали идиш. Унда сақланган маҳсулот узок вақт айнимайди. Эътибор берсангиз, баъзи қишлоқларда қатикни кичкина хумларда сақлашади. Бирам мазали бўладики, бу сутнинг таркибидан кўра, идишнинг яхшилигидан эмасмикан, деб

ўйлаб қолсан, киши.

Ҳа, Исмоил Абдуллаевнинг гапида жон бор. Бу хум оддий эмас. Унинг баландлиги бир метрдан анча баланд, диаметри икки ярим метрдан ортик. Ҳажмини ҳисоблаб кўраверинг энди.

Маҳалладан қайтар чоғимиз, Исмоил ака:

— Янаги сафар келганингизда, бурчагимизни, насиб этса, бундан ҳам ажойиб экспонатлар билан бойиганини кўрасиз, — деди.

Биз «Намуна»га яна келишга сўз бердик. Кейинги сафар келганимизда, ким билади, каттагина музейнинг устидан чиқармиз, эҳтимол.

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

Воспользуйтесь любой удобной системой денежных переводов



IPAK YULI BANK



120-00-09

TABASSUM

ҲАЛИЯМ КЎЗ ОЛДИМДА...

Чол-кампир боғда суҳбатлашиб ўтиришибди. Чол деди:

— Ўҳ, ёшлигимда Паригулни жуда севардим! Унинг ёшлиги, ойдек юзлари, узун сочлари ҳалиям кўз ўнгимда. Эҳ, у ҳозир қаерларда юрган экан-а?

Кампир энсаси қотди:

— Эсингизни еб қўйибсиз, бобоси! Буни мендан тўртинчи марта сўрашингиз. Паригул менман-ку!..

ФАРҚ

Афандидан сўрашди:

— Кўчаларда ичиб-алаҳсиб юрадиган, ариқларда ётиб тонг оттирадиган ароқхўрнинг ҳайвондан нима фарқи бор?

— Фарқи шуки, ҳайвонлар ароқ ичганда ҳеч қачон одамга айланмайди.

YON DAFTAR CHANGIZGA

Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.

Ўзбек халқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

Бош муҳаррир:

Ашуруров Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов

Рустам

Кўчқорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев

Зафар

Хусанович

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1143.
Адади — 7760
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00
ЎЗА яқини — 20.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6